

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83
ТИЛШУНОСЛИК	
А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларида бири	88
М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
Ҳ.ЗАКИРОВА	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Б.УМУРЗАҚОВА	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортнинг назарий асослари	100
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
М.НАЗАРОВ	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
А.АБДУХАЛИМОВ	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
С.СОДИҚОВ	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
А.САБИРДИНОВ	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
В.ГИЁСОВА	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида	124
М.ШОКИРОВА	
“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
А.АСИМОВ	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
Д.ҚАМБАРОВА	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентриқ таҳлили	135
М.ДИЛБАРЖОНОВА	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида	138
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъат машғулотида орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси	140
Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули	145
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	147

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИДА ЯНГИ ИШ ҲАМ ҲАМОНЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

А.Абдухалимов

Аннотация

Мақолада Фарғона водийси вилоятлари аҳолисини иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларида янги иш ҲАМ ҲАМОНЛАРИНИ ЯРАТИШ, ишлаб чиқариш, хусусий ва кичик корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш масалалари ёритилган.

Аннотация

В статье освещены вопросы трудоустройства населения областей Ферганской долины, создание новых рабочих мест в сельской местности, а также проблемы деятельности частного и малого бизнеса.

Annotation

In this article the problems of unemployment, create new working places, production, activity of private and small venture in Ferghana Valley are considered.

Таянч сўз ва иборалар: қишлоқ, ишсизлик, саноат корхоналари, завод ва фабрикалар

Ключевые слова и выражения: кишлак, безработица, промышленные предприятия, заводы и фабрики.

Keywords and expressions: village, unemployment, industry enterprise, plant and factory.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларда бутун республикада бўлгани сингари аҳоли ўта зич жойлашган Фарғона водийси вилоятларида ҳам ишсизлик масаласи муҳим муаммолардан бирига айланган эди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларида истиқомат қилишини ҳисобга олганда, қишлоқ аҳолиси орасида ишсизлик даражаси юқори бўлганлигини архив материалларини таҳлил қилиш жараёнида кўришимиз мумкин.

Жумладан, биргина Андижон вилояти меҳнат биржаларига 1991 йил давомида ишлаш истагини билдириб 46 069 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, улардан 32 927 нафарининг талаби қондирилган. Шундан 18 173 нафари меҳнат биржалари, 4 754 нафари эса мустақил равишда иш билан таъминланган. Жумладан, саноатга - 6709 нафар, қурилишга - 1744 нафар, қишлоқ хўжалигига - 4940 нафар, транспортга - 566 нафар, савдога - 885 нафар, коммунал хўжалигига - 600 нафар ва бошқа тармоқларга - 2729 нафар фуқаролар ишга жалб қилинган. Халқ хўжалигининг турли тармоқларига ишга жойлаштирилганларнинг 10515 нафар шу йили ўрта мактабни тугатган ёшлар бўлган.[2.70]

Вилоятда 1993 йилнинг 9 ойи ичида ишга жойлаштириш масаласи бўйича 15438 нафар фуқародан мурожаатлар келиб тушиб, уларнинг 11355 нафари ишга жойлаштирилган. Октябрь ойи бошига келиб меҳнат биржаси рўйхатида туриб иш излаётганлар сони 1808 кишини

ташкил этган бўлиб, улардан 1086 нафари ишсиз, деб тан олинган.[2.31]

1994 йилда Наманган вилояти бўйича 14 мингдан кўпроқ киши иш сўраб меҳнат биржаларига мурожаат қилган. Шуларнинг 10,3 минг нафари бандлик бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган. Ишсизлардан 692 нафари 17 хил йўналишдаги касбларга ўқитишга, 1600 нафардан кўпроқ киши маош тўланадиган жамоат ишларига жалб этилиб, 1560 кишига эса ишсизлик нафақаси тўланган.[3.109]

1997 йил ҳолатига кўра, Фарғона вилоятида 15 та қишлоқ тумани ва 164 қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд бўлган. Уларда жами аҳолининг 1805,5 минги ёки 70,8 фоизи истиқомат қилган. Бу даврда вилоят меҳнат органларига 19504 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилган. Шундан 14926 нафари ишга жойлаштирилган. 769 киши оммавий касбларни, 1868 киши миллий хунармандчиликни ўрганишга, 1605 киши эса жамоат ишларига юборилган. 246 киши муддатидан олдин нафақага чиқарилган. Ишга жойлаш, касб-хунар ўрганиш ва жамоат ишларига жалб этиш имкони бўлмаган 1652 кишига ишсизлик нафақаси тайинланган. [4.22]

1997 йилда вилоят бўйича яратилган 7,9 минг ишчи ўриндан 71 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келган. Бу даврда қишлоқ жойларда жами 577,1 минг киши иш билан банд бўлиб, улар моддий неъматлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа

А.Абдухалимов – Андижон давлат тиббиёт институти Маънавият-маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи.

соҳаларда фаолият кўрсатганлар [4.29].

1997-2000 йилларгача Андижон вилоятининг қишлоқ жойларида янги ишчи ўринлари яратиш дастури ижроси доирасида 1997 йилда 36,6 минг янги ишчи ўрни яратиш кўзда тутилган бўлиб, шундан қишлоқ жойларда 21,5 мингта янги ишчи ўрни яратилган.[2.21]

Меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, ишсизлик даражасининг кўтарилиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида 1991-1992 йилларда Андижон вилоятида 16,9 мингта янги ишчи ўрни яратилди. Шундан 13,3 мингтаси ёки 78,3 фоизи қишлоқ жойларидадир. Шу билан бирга, вилоят бўйича янги ишчи ўринлари яратиш топшириқлари ортиғи билан бажарилган бўлса-да, бу кўрсаткич Балиқчида 82,6 фоизни, Булоқбошида 82 фоизни, Жалақудуқда 90,4 фоизни ташкил этиб, турли сабабларга кўра бажарилмаган.[2.17]

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ жойларига саноатни олиб кириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ишини тубдан такомиллаштириш, янги-янги саноат корхоналари, кичик, ўрта ва қўшма корхоналар қуриб, фойдаланишга топшириш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ жойларда янги ишчи ўринларининг яратилишига олиб келди. Бу борада водий вилоятлари қишлоқларида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди.

Наманган вилоятида 1991 йилда Янгиқўрғон нотўқима материаллари фабрикаси, бир қатор ғишт заводлари, 1993 йилда Косонсой тумани “Косонсой” жамоа хўжалигида консерва цехи фойдаланишга топширилди. 1993 йил ноябрда Ўзбекистон–Туркия давлатлари ҳамкорлигида “Аснам-текстиль” қўшма корхонаси қуриб битказилди. 1994 йилда Чуст туманида бир суткада 1,5 тонна қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган фабрика иш бошлади. [3.121]

1992 йилдан бошлаб Фарғона вилояти қишлоқ жойларида саноат корхоналарини қуришга киришилган бўлса, 1996 йил бошига келиб вилоят қишлоқларида 6451 та хусусий ва кичик корхоналар фаолият кўрсатган. Уларда 50 мингдан зиёд қишлоқ меҳнаткашлари иш билан таъминланган. Вилоятда фақат 1995 йилнинг ўзида 5005 та кичик корхона рўйхатга олинган. Қишлоқларда фаолият кўрсатаётган хусусий ва кичик корхоналар асосан халқ истеъмол моллари,

қурилиш материаллари, савдо-тайёрлов, тижорат, брокерлик хизматларига ихтисослашган. Деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлашган фермалар чорвачилик, боғдорчилик, узумчилик ҳамда пилла етиштириш билан шуғулланган.[4.36]

1993 йилда “Андижон вилояти халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 9 ойлик яқунлари” бўйича қишлоқларда саноат корхоналарининг филиалларини ташкил қилиш, қўшма, кичик ва хусусий корхоналарни тузиш ҳисобига янгитдан 10 мингта ишчи ўрни яратилган. [2.24]

Бу даврда Андижон вилоятининг аҳоли зич жойлашган туманларида янги иш ўринларини яратиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида трикотаж ва тикув цехлари очилган. Олтинкўл, Шаҳрихон, Жалақудуқ ва Қўрғонтепа туманларида жойлашган қишлоқ худудларида ҳар бирида 150-160 ишловчи бўлган 4 та тикув-трикотаж цехи, вилоятнинг бошқа туманларида эса 100 га яқин ишлаб чиқариш билан боғлиқ цех, фабрика, завод ҳамда кичик корхоналар ташкил этилган.[2.42]

Қишлоқ жойларида замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш мақсадида Пахтабод туманида йилига 170 минг дона шифер, Хўжабод туманида 2 минг тонна оҳақ, Олтинкўл туманида 6 минг тонна цемент ва Асака туманида 4 миллион дона ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар ишга туширилган. Бу даврда вилоятдаги мавжуд жами 58 та ғишт заводларида кунига 670 минг ва йилига 156 миллион 300 минг дона ғишт ишлаб чиқарилган. [5.39]

Андижон тумани Ҳакан қишлоғида ғишт ишлаб чиқариш ва аглопарит заводлари, Балиқчи тумани Чинобод қишлоғида пахта тозалаш заводи ва ип йиғириш фабрикаси, Избоскан тумани Турткўл қишлоғида пойафзал фабрикаси, Чувама қишлоғидаги ип йиғирув фабрикаси, Жалақудуқ тумани Ёрқишлоқ ва Ойим қишлоқларида ип йиғирув фабрикаси, Хўжабод тумани Ҳамзаобод қишлоғидаги ароқ-вино, консерва, мева қуриштириш ҳамда полимер ва асфальт заводлари фаолият кўрсатган [6.73].

1998-1999 йилларда Наманган вилоятида “Косонсой - Текилометрэн”, “Поп - Фен”, “Марвел Джус Ко”, “Сил Роади”, “Аснам - Текстиль”, “Сиб - Нам” каби кўплаб қўшма корхоналар ҳисобига 102,2 минг янги иш ўринлари яратилди. [7]

Албатта, ушбу ишлаб чиқариш корхоналари, завод ва фабрикаларда

эркаклар билан бир қаторда аёллар ҳам меҳнат қилганлар. Бу борада фаолият юритган аёллар республика миқёсида 2010 йили 41,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 38,6 фоизга етган. Водий вилоятларида эса бу кўрсаткич республикага нисбатан бироз юқорироқ. Масалан, ушбу жабҳада меҳнат қилган аёллар Андижон вилоятида 2010 йилда 41,7 фоиз, 2015 йилда 43,4 фоиз, Наманган вилоятида 2010 йилда 43,0 фоиз, 2015 йилда 44,7 фоиз, Фарғона вилоятида 2010 йилда 43,2 фоиз, 2015 йилда 42,4 фоизни ташкил этган.[8.55]

Юқорида келтирилган маълумотларни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, мустақиллик арафасида водий вилоятлари қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш масаласи шулар жумласидан эди. Бу борада 1991-2015 йиллар давомида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, водий қишлоқларида янги иш ўринлари яратилди. Чекка ва олис қишлоқларда турли завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш ва ижтимоий ҳаётини ривожлантиришга хизмат қилди. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бу борада бугунги кунда мамлакат тараққиёти, халқимиз равнақи йўлидаги муҳим дастур сифатида эътироф этилмоқда. Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегиясида

мамлакатимизни ривожлантириш йўлидаги янги қадамлар белгилаб берилган бўлиб, яқин келажакда ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида туб ислохотларни амалга ошириш режалаштирилган.

Жумладан, “Ижтимоий соҳани ривожлантириш”, деб номланган тўртинчи йўналиши аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йул-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди.

Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини руёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилган.[1.35]

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. –Т.: Адолат, 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивининг Андижон вилояти бўлими. -Фонд № 4141. -Рўйхат № 1. -1992 йил. -Йиғма жилд № 21.
3. Ўша фонд.- Рўйхат № 1. -1993 йил. -Йиғма жилд № 109,177.
4. Ўша фонд.-Рўйхат № 11. -1997 йил. -Йиғма жилд № 34,36.
5. Ўша фонд.-Рўйхат № 8. -1996 йил.- Йиғма жилд № 31.
6. Ҳайдаров З.У. Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи: қиёсий таҳлил. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Наманган,2017 йил.
7. Фарғона вилояти давлат архиви. -Фонд № 1220. -Рўйхат № 2. -1996 йил. -Йиғма жилд № 161.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивининг Фарғона вилояти бўлими. -Фонд № 2048. -Рўйхат № 21. -2009 йил. -Йиғма жилд № 23.
9. Зокиров С.С. Аҳоли зич жойлашган ҳудудларда шаҳар манзилгоҳларининг ривожланиши (Андижон вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. –Т.,1996 .
10. “Халқ сўзи” газетаси. -2000 йил, 18 июль.
11. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2010-2016 йиллар. – Т., 2017.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)